

Р. МУСУЛМОНҚУЛОВ

НАВОИЙ ВА АТОУЛЛО

Улуғ Алишер Навоийнинг қатор Шарқ халқлари адабиёти ва маданиятининг, шу жумладан тожик адабиётининг тараққий этишида катта хизмати бор. Навоийнинг бу хизматлари С. Айний, Е.Э. Бертельс, А.М. Мирзоев, И.С. Брагинский, Ҳамид Сулаймон, М. Бақоев каби олимларимиз асарларида яққол кўрсатилган.


Биз XV—XVI асрлар адабиёти тарихини қанчалик чуқур ўргансак, Навоийнинг Шарқ адабиёти тарихидаги буюқ роли шунчалик ёрқинроқ гавдаланади. Бир томондан, қатор шоир, ёзувчи, олим, тарихшунос санъаткорларни бевосита тарбия қилган, уларга моддий ва маънавий мадад бериб турган, иккинчи томондан, ўзининг икки тилдаги илмий ва бадиий ижоди билан Шарқ адабиёти тараққиётига ҳисса қўшган Навоий шу адабиётнинг буюқ намояндаси эди. Бу улуғ зотнинг дастпарварлари ўз навбатида унга асарлар бағишлаб, қилган кўмаklarини сидқидиллик билан қайд қилганлар. Ана шундай кишилардан бири - Атоулло Маҳмуд Ҳусайний ҳақида биз ушбу мақолада баҳс юритмоқчимиз.

Забардаст адабиётшунос олим Атоулло Маҳмуд Ҳусайний (вафоти 1513)¹ Навоий маслаҳати ва ёрдами билан 1493 йилда «Бадоеъ-ус-саноеъ» асарини яратган ва уни Навоийга бағишлаган.

Муаллиф асарнинг дебочасида ўз аҳволи, китобни яратиш сабаби каби масалалар юзасидан фикр билдириб, бўш вақтларида ўзига маъқул бўлган ва санъаткорона ёзилган терма байтларни жамъ қилиб ва нодир санъатларда машқ этиб юрганини қайд этади. Бироқ турли сабаблар, чунончи мударрислик лавозими монелик қилгани туфайли бу майлдан воз кечади. Орадан кўп йиллар ўтгач, ёзган варақларининг бир қисми йўқолиб кетади.

¹ Бу олим ва унинг асари ҳақида қаранг: А. Пўлодй, А. Ғаниев. Бо маслиҳати Навой, «Тоҷикистони Советӣ», 1007, 10 ноябр, Р. Мусулмонқулов, Атоулло ва Навоӣ, «Маориф ва маданият», 1907, 7 декабр; Р. Мусулмонқулов, Навоӣ ва Атоулло, «Ҳақиқати Ўзбекистон», 1908, 18 январ, Р. Мусулмонқулов, Масъалаи шаклу мундариҷа дар «Бадоеъ-ус-саноеъ», «Тезисы докладов научной конференции, посвященной 98-ой годовщине со дня рождения В.И. Ленина, Душанбе, 1968 ва бошқалар.

Атоулло шу орада амини маъдалат дастгоҳ (адолатпеша) ва рукн-ус салтанат (салтанат устуни) Навоий билан учрашиб, ундан бадий санъатлар тўғрисида китоб ёзишга фотиҳа олади. Атоулло Навоийнинг таклифи ва маслаҳатлари асосида бу китобин ёзишга киришар экан, улуғ шоир номини зўр ҳурмат билан тилга олади ва «Амир Алишер» номи яширинган куйидаги мувашшах - китъани ёзади:



2

Атоулло Алишер Навоийни таъриф ва тасвир этувчи бу китъа муносабати билан: «ул ҳазрат номларини сарех ёзиш одоб юзасидан эмас эди, шу сабабли бу муборак ном мувашшах тариқасида знкр қилинди», деб ёзади.³

Атоулло асарнинг бошқа жойларида ҳам Навоий ҳақида турли характердаги фикрлар билдиради. Чунончи, муаллиф аруз ҳақидаги «Муқаддима» пировардида Навоийнинг саҳовати ва илмпарварлиги ҳақида, унинг «Рисолаи муаммо» ёзгани ва «Мезон-ул авзон»-ни яратиш ниятида юргани ҳақида маълумот беради. Демак, «Бадоеъ-ус саноеъ» ёзилган даврда, яъни 1492-93 йилларда Алишер Навоий «Мезон-ул авзон»-ни ёзиш тараддудида экан.

Атоулло қайдларидан Навоийнинг фақат олижаноб шахсий хислатларини сезибгина қолмай, балки унинг ижодий маҳоратига оид ҳам эътиборли парчаларга дуч келамиз. Масалан, олим айтишига кўра, у тарофуқ номли санъатни яратади, лекин мисолини бошқа шоирлар ижодидан тополмайди. «Бир навбат, - дейди Атоулло - ҳазрати худовандкорий мажлисларига етдим ва яқинлик пайдо қилдим. Мажлисида, ул мазмунни изҳор қилдим ва сўзим

² Самарқанддаги Ўзбекистон ССР Маданият ва санъат тарихи музейи қўлёзма № КП - 3351, 8-бет.

³ Амир Бурхониддин Атоулло Маҳмуд Ҳусайний. Бадоеъ-ус-саноеъ. Салтиков-Шедрин номли Ленинград Давлат кутубхонаси, ДОСП-319 нусха, 68 а ва 6 бетлар.

тамом бўлгач, филҳол ул ҳазрат давоту қалам талаб қилдилар ва филбадеҳа бу рубоийни ёздилар:

*Рӯят зи моҳи осмони хуштар.
Қадди ту зи сарви бўстони хуштар,
Лаъли ту з-оби зиндагони хуштар.
Нутқат зи ҳаёти ҷовидони хуштар.*

Таржимаси:

*Юзинг осмон ойидан яхшироқ,
Қаддинг бўстон сарвидин яхшироқ,
Лаъли лабинг тириклик сувидан яхшироқ,
Сўзинг абадий ҳаётдан яхшироқ.*

Атоуллонинг хабар беришича, Навоийнинг бу рубоийсидан сўнг фозил ва хуштабъ кишилардан иборат мажлис аҳли лол қолиб, «таажжубдан бармоқларини тишлаб олади».

Атоулло қайдларидан яна бири мақлуб санъатига оид. У мақлуб санъати (бу шундай санъатки, сўз ё сўз бирикмаларини чаппа ўқиганда ҳам шу маъно, ё шунга ўхшаш мустақил мазмун ҳосил бўлади) ҳақида маълумот бериб, Навоий ва мирзо Абобакр ораларида бўлиб ўтган бир ғаройиб воқеани ҳикоя қилади: «Бир куни марҳум шахзода Абобакр эшонга (Навоийга - Р. М.) айтдиларки: «бир сўз топдим, мақлуби мустақий жумласидан!» Эшон сўрадилар: «Қайси?» Шахзода дедик: «Ковок!»⁴ Филҳол айтдилар (Навоий - Р. М.): «Шо бош!»⁵ Ва бул ҳам мақлуби муставийдур».⁶

Атоуллонинг Навоий ҳақидаги қайдларидан яна бири асарнинг «Хотима»-сида келтирилган, Атоулло шеърӣ санъатлар ва уларнинг терминлари ҳақида баҳс юритиб, талабчанлик, истилоҳ ва таноқис номли маънавий санъатни баён қилгач, «бу замонда бир гурӯҳ булфузул шоирчалар» (Анварӣ, Ҳоконӣ каби) улуғ шоирлар ижодининг моҳиятига тушунмай, унга юзаки тақлид қилаётганини айтади. Ниҳоят, Атоулло асарнинг сўнггида

⁴ Ковок - кавак, тешик; бу сўзни чаппдан ҳам ўнгдан ҳам ўқилса, шу сўз, шу маънӣ чиқади.

⁵ Шо бош - шоҳ бўл; бу сўзни қандай ўқишдан қатъӣ назар шу маъно чиқади.

⁶ Ўша қўлёзма, 45 б-бет.

унинг Навоий ҳиммати ва эҳтимоми билан охирига етганини, у зотдан неъмат ва тарбият кўрганини яна бир маротаба қайд этиб, унга ўзининг чексиз ҳурмати ва садоқатини билдиради. Хуллас, Атоуллонинг бу асари орқали Алишер Навоий ҳаёти, шахсияти ва ижодининг кўп томонларини билиб олиш мумкин. Атоуллонинг самимий қайдлари улуғ шоир ва давлат арбобининг хайрхоҳлиги, фазилату заковати, олижаноб шеърӣ қудрати, тожик халқининг фани ва адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматларини яна бир бор таъкидлайди.

Энди қонуний бир савол тушиши мумкин. Модомики, Атоулло Навоийдан кўп яхшилик ва мадад кўриб, унинг фазилат ва марҳаматидан баҳраманд бўлиб, бу улуғ номга махсус асар бағишлаган бўлса, Навоий ҳам унинг номини бирон асарида ёдга олганмикан?

Навоийнинг «Мажолис-ун-нафоис» тазкирасини варақлар эканмиз, бу саволга ижобий жавоб топамиз.

Алишер Навоий мазкур асарининг тўртинчи мажлисида Атоулло ҳақида сўз юритади, унга баланд ва самимиёна баҳо бериб, «Мир Атоулло - Нишопурдандур» - деб ёзади.⁷ Навоийнинг ушбу сўзи Атоулло таржимаи ҳолига оид муҳим масалаларга ойдинлик киритади, негаким олимнинг бир хил тадқиқотчилари, жумладан Бобир мирза Атоуллони Машҳаддан деб ёзган.⁸

«Мажолис-ун-нафоис»-да Атоуллонинг Хиротга келгани, таҳсил кўргани ва йигитлик даврида машҳур ва ҳурматли донишманд бўлгани зикр қилинган. «Андин (Нишопурдан - *Р. М.*), - деб ёзади Навоий, - илм таҳсили учун шахрга (Хиротга - *Р. М.*) келди. «Қофия» ва «Мутавассит» ўқур эрди. Донишманд бўлгунча бир навъ мустаҳсан маошга муваффақ бўлдим, андин ортук мумкин эрмас. Бовужуди донишмандлик шеър ва муаммо ва саноеъда дағи маҳорат пайдо қилди. Муаммога кўп машғул бўлур эрди. Ҳоло сабак касратидин (мадрасаларда кўп дарс бергани сабабли - *Р. М.*) анча авқоти вафо қилмас (вақти етишмасди - *Р. М.*).⁹

«Мажолис-ун-нафоис» тадқиқотчилари айтишига кўра, бу асар асосан 1490-1491 йилларда яратилган бўлиб, кейинроқ - 1498 йилда иккинчи мартаба

⁷ Алишер Навоий. Танланган асарлар, III том, Мажолис-ун нафоис, Ташкент, 1948, 95-бет.

⁸ Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома. Тошкент: 1960, 241-бет.

⁹ «Мажолис-ун нафоис», Ўша нашр, 95-бет.

тахрир ва такмил қилинган.¹⁰ Бу фикр Навоийнинг Атоуллога берган маълумотида яна бир бор тасдиқ бўлади. Навоий асарининг биринчи вариантыда ёздиким, Атоулло «саноеъда китобе тасниф қилиб дурурким, хануз баёзга бормаи дурурким».¹¹ Яъни 1490-1491 йилларда Атоулло бадий санъатлар ҳақида китоб ёзар экан, ўз асарларини ҳали охирига етказган эмас экан, Аммо Навоий «Мажолис-ун-нафоис»-нинг иккинчи таҳририда (бу нусха Тошкент илмий-танқидий матнининг асосини ташкил этган) юқоридаги жумлани қуйидаги тартибда учратамиз: «...саноеъда китобе тасниф қилибдур, «Бадоеъ Атой»-ға мавсумдур, энди баёзга борди (яъни: охирига етказди - Р. М.)...».¹²

Атоулло асарининг номи «Бадоеи Атои» эмас, балки «Бадоеъ-ус-саноеъ» бўлиб, у 1493 йилнинг мартабда охирига етган. Бундан маълум бўладики, «Мажолис-ун-нафоис» 1493 йилгача ёзилган бўлиб, бу санадан кейин таҳрир қилинган.

Алишер Навоий Атоулло асарига юксак ва одилана баҳо бериб ёзди: «Маълум эмаским, бу фанда ҳаргиз ҳеч киши мунча комё ва муфид китоб битимиш бўлғай».¹³ Навоий Атоуллонинг хуштабъ шоирлик ва олимлик маҳоратини қайд этиб, бундай дейди: «Бовужуди ихтисор «мақлуби муставий» санъатидаким, андин мушкулроқ санъат бўлмас, бу байт ул рисолада анинг хосса байтидурким:

*Шаккар даҳано, ғаме надоред,
Дайр ову найи муғона дар каш.*

Навоий бу сўзлардан сўнг «Анинг табъи диққатига бу байт далил басдур», деб қўшиб қўяди.¹⁴ Навоий Атоуллонинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги қимматли маълумотларининг охирида унинг дунёқарашини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган фикр айтади. «Фақир густохлик юзидан мирға (Атоуллога - Р. М.) дерменким: фазойил ва камолотингизга кўра дарвешлигингиз ҳам бўлса эрди, хўб эрди. Билур ким мусаллам тутмаса,

¹⁰ Қаранг: С. Ғаниева. Давр адабий ҳаёти кўзгуси, «Мажолис-ун нафоис» танқидий матнига сўзбоши, Тошкент, 1961, 6-бет.

¹¹ «Мажолис-ун нафоис», Тошкент, 1961, 141-бет.

¹² «Мажолис-ун нафоис», Тошкент, 1961, 141-бет.

¹³ «Мажолис-ун нафоис», Тошкент, 1948, 95-бет.

¹⁴ «Мажолис-ун нафоис», Тошкент, 1961, 141 -142-бетлар.

собит қилурмен. Заруратдин мусаллам тутар».¹⁵ Навоийнинг сўзи асосида бўлса керак Бобир ҳам Атоуллонинг «мазҳабида инҳирофи бор экандур», - деб ёзган.¹⁶

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий XV—XVI асрлар тожик халқининг адабиёти ва маданияти ривожланиши, такомиллашишида буюк роль ўйнаган. Биз бу падарона хизматни Камолиддин Биноий, Бадриддин Ҳилолий, Зайниддин Восифий, Камолиддин Бехзод, Ҳумомиддин Хондамир ва бошқалар камолотида сезган эдик. Атоулло Маҳмуди Ҳусайнийнинг бу асари Навоий хизмати яна бир мартаба исбот этади.

¹⁵ Ўша асар, ўша бет.

¹⁶ «Бобирномя», 241-бет.